



20 20 у « 30 » сентябрь

№ Қ-498

« ___ » _____ 20__ г

**Жарқўрғон тумани “Янгиобод” маҳалласи
худудидан “UNITEL” МЧЖга алоқа
антенаси ўрнатиш учун ер майдони
ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 22 майдаги “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларида телекоммуникация инфратузилмаси жадал ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4329-сон қарорига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/659-сон йиғилиш баёни ва Жарқўрғон туман ҳокимининг 2020 йил 22 августдаги 02-03/137-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 12 сентябрдаги 05-02/659-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Янгиобод” маҳалласи худудидан “UNITEL” МЧЖга туман ҳокимлиги захирасидан кишлок хўжалигида фойдаланилмайдиган 100 кв.м ер майдони уяли алоқа антенасини ўрнатиш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон тумани ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов